

DOI 10.36074/logos-01.10.2021.v1.12

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА НИСБАТАН ХИЗМАТ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЗЎРЛИК ИШЛАТИШ ЖИНОЯТИНИНГ СУБЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ

Азизова Шалола Собир қизи

бошқармаси ходими

*Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Жиноятнинг таркибий элементларидан унинг субъекти ва субъектив томонидир. Жиноят субъекти бу ижтимоий хавфли қилиш содир этган шахсдир. Бунда шахс муомула лаёқати чекланмаган, ақли расо шахс бўлиши талаб этилади. Жиноят кодексининг 97-моддаси (қасддан одам ўлдириш) иккинчи қисми “г” ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини ўлдирганлик, Жиноят кодексининг 104-моддаси(қасддан баданга оғир шикаст етказиш) иккинчи қисми “б” ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан оғир шикаст етказганлик, Жиноят кодексининг 105-моддаси(қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш) иккинчи қисми “в” ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан ўртача оғир шикаст етказганлик, 112-моддаси(ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилган бўлса жиноий жавобгарлик ўрнатилган. Бундан ташқари тиббиёт ходимларини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда ҳақорат қилганлик учун Жиноят кодексининг 140-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган. Бундан Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисми «г» бандида жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган безорилик жиноий жавобгарлик ўрнатилган бўлиб, Безорилик ҳаракатлари давомида айбдор жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш (тўхтатиш) чорасини кўрган бошқа фуқароларга фаол қаршилик кўрсатса, шу жумладан, уларга нисбатан ўртача оғир шикаст етказиш даражасида зўрлик ишлатса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисмининг «г» банди билан тўлиқ қамраб олинади ва Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этилмаслиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 10-бандида белгиланган. Бунда тиббиёт ходимларига нисбатан хизмат вазифасини бажариши билан унга нисбатан содир этилган безорилик содир этилса, ЖК 277-моддаси 3-қисми «г» банди қамраб олмайди.

Тиббиёт ходимларига нисбатан хизмат вазифасини бажариши муносабати қаршилик кўрсатганлик жиноий жавобгарлик умумий норма сифатида

ЖК 219-моддасида белгиланган. Бироқ ЖК 219-моддаси ҳокимият вакили ёки фуқаролик бурчиси бажараётган шахсга қаршилик кўрсатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, ЖКнинг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” деб номланган саккизинчи бўлимида тиббиёт ходимлари **“ҲОКИМИЯТ ВАКИЛИ”** ҳисобланиши белгиланмаган. Фуқаролик бурч тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида берилган бўлиб, унга биноан **фуқаролик бурчини бажариш деганда** – фуқаро томонидан унинг зиммасига қонун билан махсус юклатилган мажбуриятларнинг амалга оширилиши, шунингдек, бошқа ижтимоий фойдали ҳаракатлар содир этилиши (ҳуқуқбузарликнинг олдини олганлиги, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят тўғрисида ёхуд қидирилаётган шахс турган жой ҳақида ҳокимият органларига хабар берганлиги, гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида шахснинг жиноят содир этганлигини фош этувчи кўрсатувлар берганлиги ва ҳ.к.) тушунилади. Бунда ҳам тиббиёт ходимларининг хизмат вазифаси фуқаролик бурч сифатида баҳоланиши мумкин эмас. Шу сабабли Тиббиёт ходимларига нисбатан хизмат вазифасини бажариши муносабати қаршилик кўрсатганлик учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланиши лозим.

Жиноят таркибининг субъектив томони - Жиноят қонунида жиноят деб белгиланган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг ўз қилмишига бўлган руҳий муносабати тушунилади. Жиноят таркибида субъектив томоннинг бўлмаслиги жиноий жавобгарликни истисно қилади. Жиноятнинг субъектив томонини тўғри аниқлаш жиноятчи шахснинг ижтимоий хавфлилиги даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Жиноятни тўғри квалификация қилишда субъектив томоннинг аҳамияти қуйидагиларда кўрилади:

- субъектив томон - ҳар қандай жиноят жиноят таркибининг зарурий белгисидир. Унинг йўқлиги қилмишнинг жиноийлигини истисно қилади;

- тегишли жиноят таркибининг субъектив томони ва унинг барча белгиларининг тўғри ўрганилганлиги жиноятни тўғри ва асосли квалификация қилишнинг зарурий шартидир;

- субъектив томоннинг тўғри белгиланганлиги айбдор шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик, жазо муддати ва миқдорини тўғри белгилашда муҳим аҳамият касб этади;

- субъектив томоннинг тўғри белгиланиши қонунийликни таъминлаш ва мустаҳкамлашнинг зарурий шартидир.

Жиноятнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан тавсифланади, агарда қасд мавжуд бўлмаса ушбу қилмиш жиноят сифатида эътироф этилмайди. Қаршилик кўрсатиш, яъни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш фақат тўғри қасд шаклида содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятнинг субъектив белгиларини тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга, сабаби жиноят субъектининг мавжуд эмаслиги қилмишни жиноят сифатида қабул қилинишини рад этади. Зеро, субъектив томон белгиларига, дастлаб эътибор қаратамиз.

Субъектив томон белгилари қуйидагиларни ташкил этади:

- айб;
- мотив;
- мақсад.

Айб - субъектив томон зарурий белгиси, мотив ва мақсад эса факултатив белгиси саналади.

Айбдор шахс хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди.

Хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатаётганлигини англамаган шахс томонидан бундай қаршилик кўрсатишнинг содир этилишида мазкур жиноят таркиби мавжуд бўлмайди. Демак, бундан тушунишимиз лозимки, аввало, субъектив томонинг белгиларини тушуниб олишимиз лозим [1-4].

Чунончи, айб – жиноят қонуни билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишига ва унинг оқибатларига бўлган ички руҳий муносабати тушунилади. Айбнинг руҳий муносабат сифатидаги ҳолатлари тафаккурий ва иродавийлик бўлиб, улар биргаликда айбни шакллантиради. Тафаккурий ҳолати бу - шахс ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишининг хавфлилик хусусиятини англаб этаётганлигини ифодаласа; Иродавийлик ҳолати – шахс ўз ҳаракатларини бошқара олиш имкониятини англатади. Айбсиз ҳолда зарар етказишда – айбнинг тафаккурий ва иродавий ҳолатининг мавжуд бўлмаганлиги сабабли жиноий жавобгарлик келтириб чиқармайди. Айб шакллари ЖК 20-моддасига кўра, қасд ва эҳтиётсизлик кўринишида бўлади. Қасддан жиноят содир этиш тушунчасига тариф беришда жиноят моддий ёки формал таркибли жиноят эканлигини эътиборга олиш лозим бўлади.

Қасд турлари икки хил:

- тўғри қасд;
- эгри қасд.

Моддий таркибли жиноятларда, агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи этган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади; Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи этган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилади.

### Адабиётлар:

- [1] Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Т.: Ўзбекистон, 2017. –102 б.
- [2] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ – Т.: «Ўзбекистон», 2016. –56 б.
- [3] Шавкат Мирзиёев: Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислохотлар жараёнидаги бош вазифамиздир, 24/01/202, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
- [4] Шавкат Мирзиёев: Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислохотлар жараёнидаги бош вазифамиздир, 29/12/2020, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
- [5] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://www.lex.uz/docs/20596>
- [6] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://www.lex.uz/docs/111453#266616>.